

ЖАХОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШАЙЛИК

Бегимова Шахзода Юлдош Қизи

Давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш
хизматларини кўрсатиш шўбаси Катта мутахассиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15100028>

Маълумки Президентимиз ташаббуси билан “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида ёш авлодни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳар-хил маънавий таҳдидлардан асраш мақсадида таълим муассасаларида ёшлар ўртасида маҳаллалар кесимида ҳам кенг тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб бориш юклатилмоқда.

Хозирги кунда ёшларимизни оздиришга ва ўзларини пуч ғоялари билан захарлашга қилинаётган ҳаракатлар барчамизни ташвишга солмоқда. Оқибатда эса бундай мафкуравий ҳуружлар натижасида баъзилар ўзи туғилиб ўсган юртидан, ота-онасидан тониб, унга хиёнат қилиб, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум бўлиб, инсонийлик табиатидан ҳам чиқиб қолганини ўзлари тушунмаяпти. Мухтасар қилиб айтганда, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ бўлмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини ёшлик пайтидан бошлаб шакллантириш зарур.

Бугун, XXI аср глобаллашув жараёнида ёшларимиз радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳар-хил ахборот ва маълумотларни олмоқда. Баъзи бир ақидапарастлар ўз ғаразли мақсадлари йўлида мафкуравий таъсир ўтказишга уриниб, қабих ишларини амалга оширмоқда. Маълумки, ҳар қандай касалликни олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Демак, сиз ёшлар бундай вазиятда мустақил фикрлаб, маънавийлик, миллий қадриятларига содик, дунё қараши кенг, иродаси мустаҳкам, сабр–бардошли, ошқора ва пинхона кўринишдаги маънавий таҳдидларга доим таййор турадиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсон бўлишингиз лозим.

Муқаддас динимизда мусулмон қандай бўлиши керак? деган саволга оддий қилиб жавоб берилган.

Расулulloх (с.а.в.) муборак сўзларида « Мусулмон, унинг қўли ва тилидан бошқа бировларга азият ва озор етмайдиган кишидир » деганлар. Қуръони каримда уруш чиқариш йўлидаги фитнани қотилликдан ҳам ёмон жиноят ҳисобланган. Динларнинг бирортасида зулм, қотиллик, одам ўлдириш ёқланмаган, аксинча меҳр-оқибатли, сулҳпарвар,

инсонпарвар, раҳм-шафқатли бўлишга чорланган. Аллоҳ таоло инсонларга қарата бундай дейди:

“Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёлдан (Ҳавво) яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик...” (Хужурот сураси, 13-оят). Демак, халқларнинг, элат ва қабилаларнинг ҳар хиллиги урушиш, жанжаллашиш учун эмас, балки бир-бирлари билан топишиб-танишишлари, бир заминда ахил-иноқ яшашлари учун экан. Бинобарин, бир ота ва бир онадан тарқалган инсониятнинг бир-бири билан Аллоҳ тақққлаган ишлар туфайли урушиб-талашиб юриши Ислом динига зиддир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам қўплаб ҳадисларида бу ғояни илгари сурганлар. Охирги (Вад) ҳажларида: “Бир-бирингизнинг қонингиз ва обрўйингизни тўкишингиз, мол-мулкингизга тажовуз қилишингиз барчаларингизга ҳаромдир”, деганлар (Имом Муслим ривояти). Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва хамлалардан, тухмат ва бўхтонлардан химоя қилиш, унинг асл мохиятини ўниб-ўсиб келаётган сиз ёшларга туғри тушунтириш, ислом маданиятини эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш асосий вазифамиз ҳисобланади.

Айрим ота-оналар бола тарбияси хусусида жуда бепарволик қиладилар. Улар учун бу дунёда фақат ўз шахсий юмушлари, кўча-кўйдаги улфатлари билан узок вақт овқатланиб ўтиришлари, моддий маблағ тўплаш йўлидаги борди-келдилари биринчи ўриндаги вазифаю, оила аъзоларининг, фарзандларининг ахлоқий ва маърифий тарбиялари билан шуғулланиш иккинчи даражали иш бўлиб қолган. Ўтган асрдаги мутафаккир олимимиз Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деганлар.

Ёшларнинг илмли ва маърифатли бўлишларига жиддий эътибор қаратишлари лозим. Фарзандларимизнинг одоб-ахлоқи, таълим-тарбиясининг масъулияти биринчи навбатда, уйда ота-она, боғчада тарбиячи, ўрта ва олий ўқув юртларида муаллим ва устозлар, кўча-кўйда эса маҳалла оқсоқоллари зимасида эканини унутмайлик. Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида:

“Ҳар бирингиз бир раҳбарсиз ва қўл остингиздагилар ҳақида масъулсиз” — деганлар. Ҳозирги кунда айрим ўқувчи ва талабаларнинг дарс ҳисобига бозорга, баъзиларининг турли ношаръий, кўнгилоҷар жойларга кетиб қолишлари жоиз эмас. Ҳар қандай бўлганда ҳам дарс соати бола учун ғанимат дамлар бўлиб саналиши даркор. Айрим болаларнинг бири гиёҳванд, бири ўғри, яна бири мутаассибликка берилиб кетиши

назоратнинг сусайгани оқибатидан келиб чиқмаяптимикиан? Мамлакатимизда ёшларнинг илм олишлари, касб-билим ўрганишлари учун барча зарурий шароитлар яратиб қўйилган. Бугунги кунда илм олиш учун ҳеч қандай монеълик йўқ, аксинча имконият бор. Юзлаб олий ўқув юртлари, коллеж ва лисейлар очиб қўйилган. Динимизни ўргатадиган ўнта олий ва ўрта махсус ўқув юрти ишлаб турибди. Китоб-дарсликлар узлуксиз чоп этилиб турибди. Аммо бизларда рағбат ва ихлос сустроқ. Вақтимизни ғанимат билиб, ўзимизни ҳам болаларимизни ҳам илм, касб-хунар, спорт ва манфаъатли ишлар билан машгул қилишимиз барчамиз учун фойдалидир. Чунки халкимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишларига боғлиқ. Фарзандларимизга Ватан, миллат ва динига мухаббатли бўлиш хиссинини уйғотиш, хиёнат, сотқинлик, бепарволик каби иллатларга “Жаҳолатга қарши маърифат” билан қарши курашишни шакллантириш лозимю

Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифи доирасида вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, одамларни турли диний оқимлар таъсиридан асраш тўғрисида ўз фикрини билдириб ўтди. Президентнинг йиғилишда сўзлаган нутқи «Ахборот» информацион дастурида олиб кўрсатилди.

«Биз, умуман, кўп жойларда жаҳолатга қарши маърифат ташаббуси билан чиқаяпмиз. Исломни ўргатиш, ўрганишни тарғиб қилаяпмиз. **Ислом — нурли ҳаёт, дегани.** Исломни рўқач қилиб, террорчи бўлиш, бошқа оқимларга кириш андижонликларга ҳам, ўзбекистонликларга ҳам ярашмайди.

Шунинг учун биз — мана, муфтий ҳазратлари ўтирибди, бизнинг вакиллар ўтирибди — уларни ўтган гал Шойхонтохур туманида мажлисга чақириб, 24 та маҳалла имом хатибларини таклиф қилдим. Тўғри тушунсин. Ҳозир вақт келди. Бошқа оқимга кирса, менинг болам эмас, қўшнингнинг боласи, бошқа туманнинг боласи деймиз. Ёки бошқа вилоят боласи, деймиз. **У Ўзбекистон фуқароси-ку?!**

Бугун Андижон дин пешволарига қаттиқ савол қўймоқчиман. Агар бешта маҳаллада 20–30 нафар киши (диний йўлда — таҳ.) адашган бўлса, мисол учун, ҳисоб-китоби бор. Йигирматадан бештаси ашаддий, улар қайтмайди. Улар билан шуғулланиш керак эмас, Ўзбекистон фуқаролигидан чиқариш керак. Бизга керак эмас. Мен (уларни фуқароликдан) чиқаришга тайёрман.

Оқни оқ, қорани қора, дейдиган вақт келди. Кимгадир ёқмаса, ким агар иккита стулда ўтираман деса, унақа мулла бизга керак эмас. Давлат — давлатчилигини қилади. **Қонун**

устуворлигини таъминлашга, Худога шукур, менинг қурбим ҳам, билимим ҳам, имкониятим ҳам етади.

Мурожаат қилмоқчиман: ҳар бир одамнинг юрагида, виждонида эътиқоди бўлиши керак. Агар эътиқодига муносиб бўлиб Ватанига хизмат қилса, у ватанпарвар бўлади. Агар у эътиқодсиз бўлиб, чаласавод бўлиб, хиёнат қилиб, иккита стулда ўтирса, у давлат кетиб, бу давлат келса, «акромийлар» келса, уларнинг найрангига ўйнайман деса, унақалар менга ўтмайди.

Агар эртанги кунда тинчлик керак бўлса, ўша ашаддийсини Ўзбекистон фуқаролигидан чиқаришга менга таклиф беради, адашганларни илми билан, билими билан, эътиқоди билан, ҳаётдаги намунаси билан бу кўчага ўтказилади. Ё айтади: **“Ўртоқ туман хокими, бунга жой бер, ер бер, ҳовли бер. Ўзи асли ажабтовур одам экан, сенинг ноинсофлигинг учун, адолатсизлигинг учун шундай бўлиб юрибди”**.

Уям тўғри. Биздаям хато бор. Ижро органларидаям хато бор. Иккинчидан, мен охирги марта Шайхонтоҳур туманидаги гапимни эшитган бўлсанглар, битта адашганнинг бешта қариндоши бор. Биз ўша бешта қариндошиниям ашаддий душман қилиб қўйганмиз: **тўйга чақирмаймиз, маросимга чақирмаймиз. У фалончининг акаси, ўғли деб айтамиз. «Чақирма уни», дейди. Уларда нима айб? Уларда нима айб?!**

Уни (адашган инсонни) дўст қилишимиз керак, уни чақиритишимиз керак. Уни маърифатга чақиритишимиз керак. Зора у нарёғда юрганга таъсир қила олса. Ана шуни кўндаланг қўядиган соати келди».

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб сайти.
3. Адлия вазирлиги “Хуқуқий ахборот” электрон канали.